



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 25 февраль, № 39 (8934)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎМОН БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Ўмон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидийни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ўмон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидийнинг суҳбат вақтидаги сурати.

Суҳбат аввалида вазир давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саиднинг самимий саломи ва мактубини etkazди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳалардаги шериклик салоҳиятини рўйбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Идоралараро ва ишбилармонлик алоқалари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро тортар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони ортмоқда, икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокидаги бизнес тadbирлари мунтазам ўтказилмоқда.

Ўзбекистон-Ўмон инвестиция компанияси портфелини янги кооперация лойиҳалари ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил апрель ойида Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва қўшма бизнес форуми ўтказилди.

Бундан ташқари, парламентлараро алоқаларни, маданий-гуманитар алмашувни ривожлантириш, тўғридан-тўғри авиақатновни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё - Кўрфаз давлатлари» мулоқотининг иккинчи саммитига тайёргарлик юзасидан фикр алмашилди.

## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 25-26 февраль кунлари расмий таширф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон-Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, транспорт боғлиқлигини кучайтириш ва транзит салоҳиятини рўйбга чиқариш, энгил ва чарм саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, электротехника ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш борасидаги қўшма режалар

диққат марказида бўлади. Маданий-гуманитар ва туризм алоқаларини фаоллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик дозарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Саммит якунида Қўшма декларация ва қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида етакчилар Ўзбекистон-Покистон қўшма бизнес форумида ҳам иштирок этадилар.

ЎзА.

Ўзбекистон — Покистон:

## ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бунён ўтган 33 йил мобайнида сиёсий мулоқот ва кўплаб истиқболли соҳаларда ҳамкорлик борасида катта муваффақиятларга эришилди. Эътиборлиси, Покистоннинг минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик масалалар, гуманитар, фан, таълим, юқори технологиялар ва ёшларга доир сиёсат соҳаларидаги ташаббуслари ва ислохотлари мамлакатимизнинг учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳангдир.

### Дунё ва биз

Маълумки, Покистон ўзининг «Марказий Осиёга нигоҳ» сиёсати мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини доимий мустақамлаб бориши мақсад қилган. Айниқса, Ўзбекистон билан олий даражадаги мулоқотлар доимий тус олган. Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф бошчилигидаги делегациянинг 25-26 февраль кунлари кутилаётган Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик айналарининг давоми сифатида минтақавий ўзаро боғлиқликдаги саъй-ҳаракатларини янги, янада юқори босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Шаҳбоз Шариф 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи буюриб, Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этгани. Бу галги нуфузли ташрифта унга Покистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Исҳоқ Дар, шунингдек, бир қатор вазирлар ва бизнес вакиллари ҳамроҳлик қилаётгани икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарганидан муҳим масалалар муҳокама қилиниши ва кенг қамровли битимлар имзоланишидан дарақдир.



## БОЖХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни божхона фаолиятини такомиллаштириш ва рақамлаштиришга оид такдимот билан танишди.

Минтақавий ва халқаро иқтисодий алоқаларни яхшилаш мақсадида бу соҳада кўп ишлар қилинди. Ўнга яқин давлатлар билан олдиндан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди, божхона расмийлаштируви ва маълумотларни қайта ишлаш марказлари ташкил этилди. 4 та йирик божхона پوستида терминаллар қурилди, 20 дан зиёди янги ускуналар билан таъминланди. Тadbиркорлар учун 35 та ахборот тизими жорий қилиниб, экспорт жараёнлари 9 босқичдан 3 босқичга тушди.

Буларнинг натижасида чегара орқали транспортлар ҳаракати 8 баробар кўпайиб, қарийб 5 миллионга етди. Бюджетга тушумлар 9 баробар ўсиб, ўтган йили

63 триллион сўмдан ошди. Юрларни расмийлаштириш вақти импортда 3 соат, экспортда 20 дақиқадан кўра кўрашди. Умуман, тизим соддалаштирилиши орқали 6 мингга яқин экспортёр ҳамда 20 мингга яқин импортёрнинг сарф-ҳаражати ва вақти тежалган. Халқаро логистика рейтингиде божхона кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 140-ўриндан 74-ўринга кўтарилган.

Лекин ҳали рақамлаштириш, жараённи тезлаштириш ва кулайлаштириш бўйича вазифалар кўп. Такдимотда шу борадаги чоратadbирлар кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда божхона ҳудудида қайта ишлаш турлари кенгайтирилгани самарасида бу тар-

зда экспорт қилинган товарлар улуси ўтган йили 1 миллиард доллардан ошган. Бу тизимни янада соддалаштириб, шу йилнинг ўзида экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкин.

Қўшни давлатлар билан савдо ва туризм алоқалари кенгайиб бораётгани тўғрисида чегарадаги йўловчилар ва автотранспорт оқими камиде 2 карра ошиши кутилмоқда. Бу қўшимча инфратузилма яратиб, постларда ўтказувчанликни ошириши талаб қилади.

Жумладан, халқаро қатновларни кўпайтириш мақсадида автобусларда ҳам, авиарейслардаги-дек, йўловчилар ҳақидаги маълумотларни олдиндан олиш тизими

кўзда тутилмоқда. Натижада автобуслар чегарадан соддалашган тартибда ўтказилиб, расмийлаштириш вақти 2 баробар қисқаради. Шунингдек, энг йирик божхона постларида энгил автомобиль ва автобуслар учун қизил ва яшил йўлақлар жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Божхона кузатувида сунъий интеллектни кенг қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Жаҳон банки мутахассислари кўмагида «хавф тизими» такомиллаштирилди. Бу тизим молиявий барқарорлик, савдо тарихи каби 122 та мезон бўйича тadbиркорларнинг ишончлилик даражасини баҳолайди. Шунингдек, рентген тасвирлари сунъий интел-

лект асосида таҳлил қилиниб, хавфли товарлар автоматик аниқланади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, соҳада халқимиз учун энгилликлар яратиш, тadbиркорлар ва туристларга тезкор хизмат кўрсатиш зарурлигини таъкидлади. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида бунга божхона ронунчилигини тўлиқ мувофиқлаштириш вазифаси қўйилди.

Божхона институти салоҳиятини ошириш, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, таҳлика-таҳлил бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, дуал таълимни кенгайтириб, амалиётни яхшилаш муҳимлиги қайд этилди.

ЎзА.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

22 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридеги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлиси Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Ялпи мажлисининг учинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб «Ўзбеки-

стон Республикаси Ҳукумати билан Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини ўрнатилган тўғрисидаги Битимни (Тошкент шаҳри, 2024 йил 15 апрель) ратификация қилиш ҳақидаги қонунни кўриб чиқишдан бошланди. Таъкидланганидек, мазкур Битимда икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган асосий устувор йўналишлар белгиланмоқда.



## АРМИЯ ВА ТАРБИЯ

Сирожиддин САЙИД, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири.

Янги Ўзбекистоннинг миллий армиясида Шоирлар ҳам сафдошлар таълим-тарбиясида.

Яъни ҳар бир ижодкор, ҳар ёзувчи ё адиб — Сардор бўлмоғи керак билимдон ва ботартиб.

Ҳар жанговар аскарнинг биз ҳам тенг-тўшларимиз, Қалам-ла қуролланган қуроли кучларимиз.

Ким Темурхон бобонинг қудратини билмаган? Бобо орзу қилган, лек хаёлига келмаган:

Кимки шубҳа қилгайди доврўғи, камолига — «Темурбеклар мактаби» жавобдир саволига.

Инчунин ҳар бир зобит, ҳар сипоҳ, ҳар байроқдор, Кечган шонли жанглардан бўлмоғи шарт хабардор.

Миллат хоки пойларин тавоф қилса арзийди, «Зафарнома» яратмиш мавлоно Али Яздий.

Давлати пойдорлиқнинг мангу гувоҳномаси — «Зафарнома» эмас, бу — буюк халқ шоҳномаси.

Ўпгил, эй Европа сен, бармоқ, узукларидан, Ҳануз сабоқ олгайсан «Темур тузуклари»дан.

Бутун олам аҳлига ҳарбий номандир менинг, Жангномам, курашномам — «Бобурнома»мдир менинг.

Ватан — жон ва тандир, жон Ватан — жон ва тандир, Ватанпарвар инсонлар жон чекиб, жон тиккандир.

«Иёлу Ватан узра то жони бор, — деб айтган, Киши ҳарб этар токи имкони бор», деб айтган,

Навоий бобомиздан тимсол келтирсам агар, Неча минг кўнгилларни уйғотмоғи муқаррар.

Ҳар шонир, ҳар аскарга қатъият, шилдат керак, Азму шижоат керак, илму маърифат керак.

Бунда ҳар он асқотар ақлу фаҳму фаросат, Дунёвий билимлар ҳам матонат ва садоқат.

Бу қандай дилбар диёр, дил диёр, дилдор диёр, Аскарлари ҳам бедор, шоирлари ҳам бедор.

Аммо олам авзойи — кеча-кундуз талотум, Боисин айтолмагай бирор Алп ё Афлотун.

Фитрат домла айтгандай: Дунё — кураш майдони, Бир томони тошқинлар, ёнгиндир бир томони.

Дунёнинг дунёликка қолмагандай ҳоли ҳам, Қўрғинбарот уриллар давом этар ҳали ҳам.

Ўттиз етти милён халқ, ўттиз етти милён қалб, Қалбим, сен ҳам шу сафда хушёр бўлгил, уйғон, қалқ!

Токи хавфу хатар бор, шудир темир тарбия: Ҳар биримиз — посбонимиз, ҳар биримиз — армия.

Халқу Ватан ташвиши — барчанинг тенг ишидир, Бутун ҳар безовта қалб — хавфсизлик кенгашидир.

### Ифтихор

Шу боисдан тинчлигу тинч осмонингга шараф, Биз эзгулик тарафимиз, бизлар халқимиз тараф.

Менинг ҳам кўксим тўла гурур билан ифтихор: Ўзбек армияси бор! Ўзбек халқи ҳам пойдор.

Ўйласам шул Ватанни — жимирлар кўнгилларим, Эй, менинг сарбозларим! Менинг генералларим!

Шонли, шавкатли диёр, шу сафда мен ҳам борман, Не бахтим, саодату бахтинга дахлдорман.

Дунёда Ватан танҳо, халқу миллат ягона, Миллат бедор бўлса гар, тинч бўлгайдир замона.

Ўттиз етти милён халқ, яна шунча дил, юрак, Хушёр яшамоқ керак! Хушёр яшамоқ керак!

Милён-милён бешикда — чақалоқлар лашкари, Тамшаниб ўсмоқдадир — келажакнинг аскарни.

Лашкар бехатар бўлмас, айтиб кетган боболар, Оналар дуо айлар, дуо айлар момолар.

Она юрт, ота макон, мен ҳам бир аскарингман, Ўйғоқ қаламим бирлан хизматкор наварингман.

Англадимки: дунёда на жон, на тан абадий, Фақат Ватан абадий, фақат Ватан абадий.

Менинг ҳам ҳар бир шеърим — ҳаёту мамотимдир, Олий Бош қўмондонга ичган қасамдидир.

Ўзбекистон — Покистон:

ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Покистон Бош вазири Шаҳабоз Шариф Ўзбекистонга Карачи портидан транзит савдоси учун фойдаланишни тақлим этиши қўрилмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари 1991 йил мустақилликка эришганидан бери Исломобод минтақадаги манфаатларини изчил тарғиб қилиб, кредитлар, логистика ва ҳарбий ҳамкорлик орқали "бешлик" мамлакатлари билан ҳамкорликка интилиб келади. Покистон Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро савдо ҳаммини мунтазам асосида бормоқда, уларнинг ҳар бири билан қўшма иқтисодий комиссиялар тузилган.

Шунингдек, транспорт алоқаларини ривожлантириш ва мамлакатлар ўртасида товарлар ҳаракатини соддаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Покистон Иқтисод Республикаси Савдо вазирлиги ўртасида электрон тижорат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзаро алоқалар меморандуми имзоланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг 2022 йил март ойида Покистонга амалга оширган тарихий ташрифи давомида илк бор Имтиёзли савдо битими имзоланди. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида назоратга олишга келишиб олинди. Асосий мақсад — махсулотларни давлатларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа муддатларда етказиб бериш тизимини яратишдан иборат. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, махсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжига чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

риф — Кобул — Пешовар бўйлаб ўтади. Лойиҳанинг умумий қиймати 5 млрд долларга баҳоланмоқда. Ҳозир техника-иқтисодий асослар ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг қурилиш ишлари камида беш йил давом этади. Трансафғон темир йўли ишга тушгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш муддати 35 кундан 3 — 5 кунгача қисқаради. Шунингдек, битта стандарт контейнерни ташиш нархи қарийб уч баробар арзонлаштириш кутиляпти.

Бундан ташқари, яна бир транспорт йўли лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бу Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозғоғистон, Афғонистон ва Покистон орқали ўтувчи мультимодал транспорт йўлининг яратиш бўйича келишув бўлиб, у 2024 йилда ратификация қилинди. Бу лойиҳа орқали юк ташиш жараёни осонлашади, вақти қисқаради.

Ижтимоий соҳалар ривожини йўлида

Маданий-гуманитар соҳа шериклигининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Қадимий Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих ва бой маънавий мерос қамбарчас боғлаб туради. Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдориди. Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораёттир. Покистонда ҳам Исломобод замонавий тиллар университетини, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Едингадиг бўлса, Ўзбекистон раҳбарининг ушбу йил олдин Исломободга ташрифи давомида салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича савдо-ҳаракатлар белгилаб олинган. Маънавий илдилардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгуси ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига, икки давлат ўртасидаги улкан режаларига мос равишда янги марраларга кўтарилмади.

2025 йил 3 январь куни Карачи шаҳрида "UzbekPak International Trading Centre" савдо уйи ва "UzbekPak Cultural Centre" маданий марказининг очилиши минтақавий боғлиқликни қайта тиклаш, ўзаро савдо ҳаммини ошириш ва инвесторлар учун зарур маълумотлар тақдим этишга хизмат қилди.

Туризм мамлакатларимиз салоҳиятидан фойдаланишда муҳим ўрин тутаяди. Туристик оқимни рағбатлантириш мақсадида икки давлат ўртасида виза тартиби энгиллаштирилди. Ўзаро таълим дастурлари доирасида Ўзбекистон ва Покистон университетлари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан покистонликлар учун виза расмийлаштириш тартиби соддалаштирилган, тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилаётгани қувонарли ҳодиса. Бу алоқаларимизга янги чам мазмун бахш этади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Покистон Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлайди. Бу борада 2024 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон ва Покистон ўртасида мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат ЖСТга қўшилиш жараёнида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган ишловлар, халқаро савдо тизимига интеграция бўйича мамлакатнинг жиҳдий савдо-ҳаракатлари тан олиншини тасдиқлайди. Меморандумга Ўзбекистон Президентининг ЖСТ масалалари бўйича махсус вакили Азизбек Урунов ва Покистоннинг ЖСТдаги доимий вакили Али Сарфроз Хусайн имзо чекди.

Демак, Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга амалга оширадиган ташрифи, унда имзоланганидан келишувлар, давлатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг мустақамланиши икки минтақа барқарорлиги ва тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, бизнес алоқаларини кенгайтириш, барча соҳада самарали шериклик учун мавжуд имкониятлардан янада кенг фойдаланишга катта йўл очади.

Шероз Мустафозқуллов, Халқаро Нордик Университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар стратегик ўлчамга эришган. 2021 йилда имзоланган стратегик шериклик декларацияси алоқаларимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Заҳириддин Мухаммад Бобур ва бобурилар, Мухаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб сингари улў мутафаккир ва шоирларнинг ўлмас мероси халқларимизни боғлаб турадиган маънавий кўприк бўлса, табиий таълим соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат аҳолиси саломатлигига хизмат қилмоқда. Стратегик шериклик

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йилда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида транзит юк ташишини кенгайтиришни ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб билишни маълум қилган эди. Натижада минтақавий савдо, иқтисодий ҳамкорлик ривожланади. Темир йўлнинг узунлиги тахминан 760 километр бўлиб, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар бўйлаб ўтади. Лойиҳанинг умумий қиймати 5 млрд. доллара баҳоланмоқда. Ҳозир техника-иқтисодий асослар ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг қурилиш ишлари камида беш йил давом этади. Трансафғон темир йўли ишга тушгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш муддати 35 кундан 3 — 5 кунгача қисқаради. Шунингдек, битта стандарт контейнерни ташиш нархи қарийб уч баробар арзонлаштириш кутиляпти.

муносабатлари эса ҳар томонлама ривожланиб бораётган экан, транзит ва савдо, ишбилармон доиралар вакиллари ва сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартиблари, ҳарбий таълим ҳамкорлиги, маданий алмашинув қамрови тобора кенгаймоқда. Муҳими, давлатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар орасида ҳам бир-бирларининг мавқеаларини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Муштарак мақсадларга йўналтирилган алоқалар

2024 йил 4 ноябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Иқтисод Республикаси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 9-Йиғилиши ҳамда Ўзбекистон — Покистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар кейинги йилларда янги босқичга кўтарилди. 2019 йилдаги 122 млн. АҚШ долларлик савдо айланмаси 2024 йилда келиб 300 млн. АҚШ долларига етди. Икки давлат раҳбарлари томонидан бу кўрсаткич 1 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган шерикликнинг аҳамиятини янада оширади. Савдо муносабатларини янада ривожлантириш учун онлайн платформалар яратиш режалаштирилган. Шу тарихида экспортчи ва импортчилар мулоқоти энгиллашиб, янги савдо йўналишлари очилди.

Сўнгги беш йилда қўшма корхоналар сони ҳам бир неча бараварга ортиб, 200 тадан ошди. Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистон Покистонга 124,7 минг тонна мева-сабзавот махсулотлари экспорт қилган. Бу махсулотларнинг умумий қиймати 192,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Савдо алоқаларини янада мустақамлаш мақсадида "UzbekPak International Trading Centre" савдо уйи очилди. Ушбу марказ юртимиз саноати ютуқлари, жумладан, энг сара тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат махсулотлари намойиш қилинадиган майдончага айланмоқда. "Made in Pakistan" ва "Made in Uzbekistan" кўргазмалари ҳам савдо ва маданий ҳамкорлик қўламини кенгайтирмоқда. Инвестиция ҳамкорлиги доирасида 2025-2026 йиллар учун "Саноат кооперацияси дастури" ишлаб чиқилди ва қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, кимё саноати, текстиль ва машинасозлик каби соҳаларда кенг қўламли қўшма лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди. Ўзбекистон — Покистон ишбилармонлар кенгаши фаолият кўрсатаётгани ҳам қўшма лойиҳалар истиқболда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон транспорт-логистика йўналишидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтармоқда. 2024 йил ноябрь ойида Тошкент — Лаҳор йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилди. Бу кейинги соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилляпти. Тошкентдан Покистоннинг иккинчи йирик шаҳри — Карачи ҳаво орқали йўл очиш юзасидан музокара давом этмоқда. "TCS" компанияси билан бирга Тошкент ва Карачи ўртасида самолётда юк ташишни ташкил қилиш режалаштирилган. Бу лойиҳа тарихий тез бузиладиган озиқ-овқат махсулотларини қисқа муддатда етказиб бериш имконини яратаяди.

Термиз шаҳридаги "Termez Cargo Center" логистика хаби имкониятини кенгайтириш яна бир муҳим лойиҳа ҳисобланади. Афғонистон ва Покистон орқали товар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга бу марказ ҳудудида янги омборхоналар қуриш, хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган. "National Logistics Corporation" компанияси билан ушбу базада юкни сақлаш ва қайта тақсимлаш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича келишув имзоланган. Яқин келажакда товарларни Марказий Осиё ва Европа мамлакатларига транзит қилиш жараёни анча соддалашади. - Бундай эътибор ва шариоитлар ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳаммини 500 млн. долларга, келгусида эса 1 млрд. долларга етказиш учун мустақам замин яратаяди.

Ўзаро манфаатга асосланган "аср лойиҳаси"

Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлашга қаратилган, Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига чиқувчи, "аср лойиҳаси" деб аталаётган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар стратегик темир йўлини қуриш ишларини амалга ошириш нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақа халқларининг умумий равангага хисса қўшади. Яъни Покистон Марказий Осиё мамлакатларига Гавад ва Карачи портлари орқали жаҳон океанига, демак, жаҳон бозорларига қисқа ва арзон чиқишни тақлим этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йилда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида транзит юк ташишини кенгайтиришни ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб билишини маълум қилган эди. Натижада минтақавий савдо, иқтисодий ҳамкорлик ривожланади. Темир йўлнинг узунлиги тахминан 760 километр бўлиб, Термиз — Мозори-Ша-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Жумладан, Битимда қўламадор мақсадларни қўлаган таълим ва илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва маданий мерос, туризм, спорт каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, иқтисодиёт, бошқарув, дипломатия ва туризм соҳаларида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича тажриба алмашишга қаратилган биргаликдаги савдо-ҳаракатларни мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда халқаро шартномаларга мувофиқ ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва рағбатлантириш ҳамда хусусий секторлардаги қўшма корхоналарни ташкил қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда халқаро терроризм ва экстремизмга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, қуролларнинг ноқонуний муомалада бўлишига, уюшган жиноятчиликка, одам савдосига қарши курашиш ва уларни бартараф этиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган савдо-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва бирлаштириш бўйича аниқ ва режалли чоралар белгиламоқда.

Сенаторларнинг фикрича, Битимни ратификация қилиш ҳақидаги қонун Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилади. Мухокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

Шундан сўнг "Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Конвенцияга (Орхус, 1998 йил 25 июни) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун мухокама қилинди.

Мазкур Конвенция инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланиб, у тегишли давлат органлари, фуқаролар ва жамоатчилик ўртасида экологик ахборотларни олиш ва улардан фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Қайд этилганидек, халқаро мақордаги ҳужжатнинг асосий мақсади — экология, атроф-муҳит ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солиш ҳамда одил судловга эришишни таъминлашдан иборат.

Конвенцияда давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кенг жамоатчилик сўровига биноан ҳаво, атмосфера, сув ва тупроқ каби атроф-муҳит элементларининг тарихий қисмларига доир зарур маълумотларни тақдим этиш, соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва режаларни ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш белгиланган.

Сенаторларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенцияга қўшилиши экология ва атроф-муҳит соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб таъминлашга, хорижий ҳамкор давлатлар билан ҳам-жиҳатликда экологик хавфсизликка эришиш бўйича биргаликдаги савдо-ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижига ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Мухокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди. Ялпи мажлисда кўриб чиқилган яна бир ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2023 йил 8 июни) ратификация қилиш ҳақида"ги қонундир.

Ушбу Шартномада жиноий иш бўйича тергов ҳамда бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асослари ва шартлари кўрсатиб ўтилмоқда. Шунингдек, сўров шакли ва мазмуни, унинг



Аксон: МУХАММАДОВ олинб. сурот:

ижросини таъминлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиш асослари ҳамда Шартнома доирасида олинган маълумот ва далиллардан фойдаланишда чекловлар билан боғлиқ масалаларга аниқликлар киритилмоқда.

Қонун билан ратификация қилинаётган Шартномада шахсларнинг манзили ёки уларнинг шахсига аниқлик киритиш масалалари белгилаб қўйилмоқда. Сўраётган томон мурожаатига кўра сўралаётган томон ўз қонунчилиги доирасида сўровда кўрсатилган шахс сўралаётган томон ҳудудида эканлигига етарли асос мавжуд бўлганда уни топши ҳамда шахсини аниқлашда зарур бўлган барча чораларни кўриши назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши икки давлат ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлари фаолиятининг жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш давомидаги самарадорлигини оширишга, шунингдек, Малайзия Ҳукумати билан жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қонуний асосларини мустақамлашга хизмат қилади.

Мухокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, "Умулжаҳон почта иттифоқининг Уставига Унинг қўшимча баённомини (Аддис-Абеба, 2018 йил 7 сентябрь) ва Ўн биринчи қўшимча баённомини (Абиджан, 2021 йил 26 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун мухокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун билан ратификация қилинаётган баённономалар Умулжаҳон почта иттифоқига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ва халқаро почта алмашинувини ташкил этиш ҳамда самарали хизматлари барқарор ривожлантиришни назарда тутаяди.

Шунингдек, Умулжаҳон почта иттифоқи Уставига ратификация қилинаётган қўшимча баённономалар аъзо давлатларнинг почта операторлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларидан Ўзбекистон манфаатларини ўз ваколатлари доирасида вакиллик қилиши ва ҳимоя қилиши белгиламоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Умулжаҳон почта иттифоқи фаолиятида самарали ва фаол иштирок этишига имкон беради.

Мухокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент юқори палатаси аъзолари томонидан "Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда ушбу ўзгаришларни амалга ошириш аҳолига муносиб яшаш шариоитини яратиш, бунинг учун тегишли манзилларда муҳандислик-коммуникация тизимларини, шунингдек, ижтимоий соҳа (мактаб, боғча, касалхона) объектларини барпо этиш, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Маълумки, 2023 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Самарқанд шаҳрида "Ширин" замонавий ишбилармонлик маркази ва турар

жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Мухокама қилинган масала ҳам айнан Самарқанд вилоятининг Ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ рўйбга чиқарилишида муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Хусусан, аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича тақлифларидан келиб чиқиб, фуқаролар учун қулай бўлган жойда — Самарқанд шаҳридан ўтган Зарафшон дарёси қирғоғи бўйида, 15 километр узунликдаги масофада қиймати 10 миллиард долларлик "Ширин" замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш мақсад қилинган.

Сенаторлар кўриб чиққан масалада Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан 243 гектар, Самарқанд туманидан 170 гектар, жами 413 гектар ер майдони Самарқанд шаҳри таркибига ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Натижада амалдаги 252 гектардан иборат "Ширин" мавзеси ҳудуди кенгайтирилиб, жами 665 гектар майдонни ташкил этади.

Мухокамалар жараёнида тасдиқланган мастер-режа бўйича ҳудудда 180 минг аҳолига мўлжалланган жами 60 мингта хонадондан иборат 254 та кўп қаватли уй, 45 та ижтимоий соҳа объекти қурилиши маълум қилинди.

Мазкур "Ширин" шаҳарчасида бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари аниқ режалаштирилган ва қурилиш ишлари 3 та босқичда олиб борилади.

Эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, "Ширин" замонавий ишбилармонлик маркази тўлиқ барпо этилиши натижасида турли соҳаларда 50 мингта яқин аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади.

Сенаторларнинг ақдид фикрига кўра, вилоятдаги чегараларнинг ўзгариши билан Самарқанд шаҳрининг меъморлик қиёфасини яхшилаш ва ободонлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш, шаҳарнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий бизнес, молиявий ва туристик инфратузилмаларни жадал ривожлантиришни таъминлаш ва энг асосийси, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мухокама сўнггида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда ҳимият ҳаётининг барча соҳаларга ҳуқуқий асосларини мустақамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли исоҳотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 19 та масала, шу жумладан, 17 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БИЛАН ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиса Танзила Норбоева Корея Экспорт-импорт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Канг Санжин билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида мустақам дўстлик алоқалари ривож топаётгани таъкидланди. Томонлар икки

натижалар бераётганини эътироф этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган дастури амалга оширишда Корея Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликни давом эттириш масаласи ҳам мухокама қилинди. Бу борада тажриба алма-

шиш ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Канг Санжин ушбу лойиҳаларга зарур кўмак кўрсатишга ҳамда Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларда иштирок этишга тайёрлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

Президентимизнинг тегишли Фармони билан жорий йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар сони ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар оширилди.

Парламент комиссияси йиғилиши

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси, 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги Фармони билан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қайта ташкил этилган.

Ушбу Фармон билан жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва жамоат фонди олдига фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан янги тизимда қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар учун 2024 йилнинг октябрида бўлиб ўтган сайловлардан кейин депутатлар ва Сенат аъзоларидан шакллантирилган янги таркибдаги Парламент комиссиясининг дастабки йиғилишида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган янги тизими яратилгани таъкидланди.

Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш, жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўйб-га чиқаришга қўмаклашиш, давлат органлари билан ижтимоий шериклини ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳасида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб боришни рағбатлантириш қабилар фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Йиғилишда жамоат фонднинг 2024 йилдаги фаолияти таҳлил этилиб, 2025 йилдаги устувор йўналишлар муҳокама қилинди. Жорий йилда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Парламент комиссияси аъзолари ва жамоат фонди вакилларида иборат ишчи гуруҳнинг ҳудудларга бориб, мулоқотлар уюштириш ҳолда ахтиёрларни, ижтимоий соҳа ва маҳаллалар тизимларидаги муаммоларни ўрганиши ва ечимлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши, таҳлиллар натижасига кўра, ҳар бир ҳудудга мўлжалланган, муаммоларнинг манзили ва самарали ечимига қаратилган танловларни аъзон қилиш режалаштирилмоқда.

Очиқлик ва воқеликларнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаси ва грантларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнлар “ngo.gov.uz” ягона электрон платформасида амалга оширилади. Шу орқали номзод ташкилотнинг лойиҳани топиши, Парламент комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини кузатиб бориш, муҳокамаларда бевосита иштирок этиш имконияти яратилди.

2024 йил 1 октябрдан 2027 йилнинг 1 октябрга қадар жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга, 2025 йил 1 январдан ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган давлат божлари миқдори икки бараварга камайтирилди. Жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлимлари очилди. “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофоти, аънаввий “Олтин қалам” танловига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида янги номинация ташкил этилмоқда.

Йиғилиш якунида Парламент комиссияси томонидан Ўзбекистон — 2030” стратегияси, 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳоли соғлигини сақлаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва бошқа соҳалардаги муҳим ташаббус ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 2025 йил учун қатор дастурлар қабул қилинди.

Парламентларо мулоқот

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Маъруфова мамлакатимиз парламенти делегацияси таркибида ЕХТ Парламент ассамблеясининг Вена шаҳри (Австрия)да бўлиб ўтган 24-қишки сессиясида иштирок этди.

Тадбирда 51 давлатдан 240 дан ортиқ парламент аъзолари қатнашди. Ассамблея йиғилишларида асосий эътибор парламентларо ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, экология, энергетика ва барқарор ривожланиш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётини фазол ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини интеграция қилиш бўйича стратегик истиқболларга бағишланган маъруза билан сўзга чиқди. Экология хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ қадамлар ва ташаббуслар эътироф этилди.

Ассамблеянинг иккинчи кунин Олий Мажлис делегацияси аъзоларининг чиқишларида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови мамлакатнинг сиёсий ривожланишида муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Халқаро ташкилотларнинг, жумладан, ЕХТ Парламент ассамблеяси делегациясининг ушбу сиёсий тадбирда халқаро қузатувчи бўлиб иштирок этгани сайловнинг муҳимлиги ва шаффофлигини кўрсатади.

Қишки сессия чоғида Олий Мажлис делегацияси аъзолари Марказий Осиё мамлакатлари делегациялари ва ЕХТнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили билан бирга давра суҳбатига иштирок этди. Шунингдек, қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР КАФОЛАТИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омулдсмани)нинг 2024 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг Қувват Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳнинг тақлифига биноан шу йил 17-18 февраль кунлари ушбу мамлакатга расмий ташрифининг аҳамияти муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари давлатимиз раҳбарининг Қувват расмий ташрифи икки давлат халқлари фаровонлигини ошириш, минтақавий тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилишини, нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашни таъкидлади.

Мазкур ташриф ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ишонч ва англашув пойдеворига асосланган икки томонлама ҳамкорликда янги саҳифа очилган жамияти яратилиши таъкидланди.

Ийгиликда “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълум қилинганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларни бозор активга айлантиришга қаратилган ишчи ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланиш турига қараб бўлиш бўйича аниқ нормалар киритилмоқда.

Фракция аъзоси Муқаддас Аҳме-

дова қонун лойиҳасининг моҳиятига тўхталиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган тақлифлар ас-суду таҳлил қилинган, улар асосида ҳужжат матни ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилиб, маромига етказилганини қайд этди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омулдсмани)нинг 2024 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2024 йилда Болалар омулдсмани номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омулдсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар томонидан жами 1 064 та му-рожаат келиб тушган.

Шунингдек, ҳисобот йилида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабуллари ташкил этилган бўлиб, уларда жисмоний ва юридик шахслардан 160 та му-рожаат келиб тушган. Муурожаатлар таҳлили ва мониторинги асо-сида давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфа-атлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан таъсир ҳужжатлари орқ-али муносабат билдирилиб, Бола-лар омулдсмани томонидан 9 та оғохлантириш, 3 та тақдирнома, 18 та хулоса ва 6 та суд ҳужжати ус-тидан протест келтириш тўғриси-да илтимоснома киритилган.

Фракция аъзолари Болалар ом-будсмани томонидан ўтган йилда муайян ишлар амалга оширилган-ини қайд этиб, унинг фаолиятини

янада такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Йиғилишда хомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибин та-комиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқил-ди.

Хомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибин такомиллашти-риш, соҳадаги муаммолар, хусусан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатишда фарибгарлик ва бошқа қоидабузарлик ҳолатлари-нинг олдини олиш мақсадида иш-лаб чиқилган ушбу қонун лойиҳа-сида хомийлик тўғрисидаги тартиб ва қоидаларни бузганлик учун жа-вобгарлик белгиланяпти.

Мунозаралар довомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ма-змун-моҳиятига эътибор қаратиб, унда назарда тутилган айрим нормалар бўйича қонун ташаббус-корларини саволларга тўтди. Де-путатлар лойиҳани ишлаб чиқиш-да хорижий тажриба ўрганилгани билан ҳам қизиқилди.

Қонун ташаббускорлари қўта-рилган саволлар бўйича батафсил тушуниришлар бериб, лойиҳани тайёрлашда бир қатор давлатлар-

да”ги ҳамда “Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омулдсмани) тўғрисида”ги қонунлар-га мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун-чиликни такомиллаштириш, бола-нинг манфаатларини таъминлашга қаратилган норма ижодкорлиги фа-олиятига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, 2024 йилда Вакил то-монидан 46 та қонунчилик ҳужжатла-ри лойиҳалари кўриб чиқилиб, бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик-ни такомиллаштириш бўйича тақ-лифлар юборилган.

Депутатлар сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган очиқ ва пра-гматик ташки сиебат бола ҳуқуқла-ри соҳасида ҳам ўзининг самара-ли ифодасини топаётганини ало-ҳида қайд этилди. Шундан келиб-чикиб, Болалар омулдсманнинг 2024 йилдаги фаолияти ҳақидаги маърузаси бир овоздан қўллаб-қув-ватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши-да “Ҳуқуқбузарликлар профилакти-каси тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-

таклифлар илгари сурилди. Муҳо-камадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйи-ча вакили (Болалар омулдсмани)-нинг маърузаси кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари томонидан Болалар омулдсманнинг маъруза-си қизгин муҳокама қилиниб, унинг фаолиятини янада такомиллашти-риш, болаларнинг янги тахрирда-ги Конституция ва бошқа қонунлар-да кафолатланган ҳуқуқлари, эр-кинликларини таъминлаш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар бе-рилди.

Шунингдек, Болалар омулдсма-ни ўзининг кейинги фаолиятида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир механизмларни та-комиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси йиғилишида “Ўзе-бекистон Республикасининг Ер кодек-сида ўзгариш ва қўшимчалар кир-итиш тўғрисида”ги қонун лойиҳа-си муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланиш тури-га қараб 2 гуруҳга, яъни қишлоқ хўжалиги ер участкалари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ер-ларга бўлиш бўйича аниқ норма-лар киритилмоқда.

Шунингдек, суғориладиган ер-ларни қатъий муҳофаза қилиш, бундай ерлардан бошқа мақсад-ларда фойдаланиш масаласининг фақатгина суғориладиган ерлар-нинг сув таъминоти ва тупроқ си-фати билан боғлиқ жиддий ўзга-ришлар юз берган тақдирда кўриб чиқилиши юзасидан ҳуқуқий нор-малар белгиланяпти. Бундан таш-қари, захира фонди таркибидagi ер участкалари ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши му-носабати билан туманлар ва ша-ҳарлар давлат ҳокимияти органла-ри тасарруфига қайтган бўш турган ер участкалари ўртасидаги фарқи-ни аниқ белгилаб қўйиш назарда ту-тилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзоси Наврўз Юсупов томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер муносабатларида тенглик ва шаф-фофликни таъминлаш, ер участка-ларидан фойдаланиш шартларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди. Муҳокама яку-нида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳаси қўллаб-қувватлан-ди.

Йиғилишларда фракциялар фа-олиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор-лар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

“ҚУЁШЛИ ХОНАДОН” ЭНЕРГИЯ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда йилдан-йилга электр энергиясига бўлган талаб ошиб бормоқда ва буни табиий жараён сифатида қабул қилиш лозим. Шу боис “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича муҳим дастур қабул қилинган бўлиб, ҳар йили 2 гВтга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. Ўтган 2024 йил якунида тармоққа қўшимча 6 гВт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 МВТли энергия сақлаш тизимлари уланди. 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимларини яратиш режалаштирилган.

Фикр

Бугунги кунда ишга туширилган лойиҳаларнинг иқтисодий самарасини халқимиз бирдек ҳис этиб турибди. Чунки амалга оширилган ва бажарилиши режалаштирилган ишлар натижасида ўш мнглала янги иш ўринлари яратилди, энергетика индустрияси ривожланиди, технология ва ишбилармонлик алоқалари кенгайди. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражаси ошди. Яқин ўтмишимизда юртдошларимизнинг электр энергияси тизимидagi носозликлар туйғайли ундан фойдалана олмай кўп қийинчиликларга учраган кунлар ҳам кўп бўлган. Айниқса, электр қувватининг узилиши сабаб катта-кичик тадбиркорларнинг иш самарадорлиги кескин тушиб кетиши натижасида жуда кўп тадбиркорлар иккирозда учраганининг гувоҳи бўлганмиз. Бугун эса энергия сақлаш тизимларининг ривожланиши ва электр тармоғидagi узил-лишларнинг олдини олиш натижасида аҳоли турмуш тарзи яхшиланиб, тадбир-корликка янада кенг имкониятлар ярати-лаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Бу — 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия ман-балари ҳиссасига тўри келади, дегани. Бу-нинг натижасида йилгача қарийб 15 млрд. куб метр табиий газ тежалишига эриши-либ, атмосферага 21 млн. тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар на-тижасида бугунги кунда 10 та вилоятда умумий қуввати 3 467 мегаватт бўлган 14

та қуёш, 3 та шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Бун-дан ташқари, умумий қуввати 300 мегав-ватт бўлган 2 та энергия сақлаш тизими ишга туширилган. Ушбу электр энергия-сини сақлаш тизимларида истеъмолнинг юқори вақтларида тармоқни барқарорла-штириш ва қўшимча захира қувватларини яратиш учун фойдаланилади.

Хусусан, Фарғона вилоятида хорижий сармоялар жалб этилиб, энергия сақлаш тизимларида фойдаланган ҳолда янги лойиҳалар рўёбга чиқарилиши натижаси-да ушбу ҳудудда Energy China’s 150 МВТ/300 МВТ/соат лойиҳаси учун аккумулятор-ли қувват сақлаш тизими (ВЕСС)ни ўрна-тиш муваффақиятли яқунланди. Бу эса мамлакатимизни янада барқарор ва хавф-сиз энергетика келажагига яқинлаштирди. ВЕССнинг муваффақиятли ўрнатилиши тизимнинг узлуksиз ишлашини таъминлаш учун барча манфаатдор томонларнинг ре-сурсларини мувофиқлаштириш ва сафар-бар этиш натижасидир. Бу Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривож-лантиришдаги техник ютуқдир.

Умумий қиймати қарийб 140 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа — СЕЕС би-ринчи хорижий энергия сақлаш корхонаси бўлди ва 2024 йил декабрь ойда ишга туширилди. Лойиҳа ишга туширилиши му-носабати билан 300 дан ортиқ маҳаллий иш ўринлари яратилди, бу ҳам минтақада маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Станция йилгача 2,19 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Мазкур лойиҳа электр энергияси этиш-мовчилигини бартараф этиш ва мамлакат-

нинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилаётган Ўзе-бекистоннинг кенг қўламли энергетика стра-тегиясининг асосий таркибий қисми ҳисоб-ланади. Лойиҳа Ўзбекистон ва Хитой ўрта-сидаги мустаҳкам ҳамкорлик рамизи бўлиб, унинг муваффақиятли яқунланиши, шубҳа-сиз, янада яқин ҳамкорликка йўл очди.

Бугунги кунда аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш ва ўз эҳтиёж-ларидан ортган электр энергиясини дав-латга сотиш учун ҳам шароитлар яратил-ган. Биргина 2024 йилнинг ўзида қуёш панеллари ўрнатган фуқароларга 10 млрд. сўмдан зиёд субсидия берилди ва бу бо-радаги ишлар давом эттирилмоқда. 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихида би-ринчи марта аҳоли хонадонига ўрнатил-ган қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чи-қарилган электр энергиясини давлат то-монидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилган. “Қуёшли хонадон” дастури ор-қали 2024 йилнинг октябрь ойда хонадо-нига қуёш панели ўрнатган жами 6 536 нафар фуқарога давлатга сотган 10 млн. 563 минг 890 кВт-соат электр энергияси умум жами 10 млрд. 563 млн. сўм тўлаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ма-зкур субсидия маблағлари солиқ органла-ри томонидан ҳар ойда “Солик” мобил иловаси орқали қуёшнинг ойдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар (масалан, ок-тябрь ойи учун белгиланган субсидия маб-лағлари 25 ноябргача) фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилди.

Жисмоний шахсларнинг қуёш панелла-ри ва қуёш сув иситиш қурилмаларини он-лайн сотиб олишлари учун платформа — energymarket.uz ишга туширилган.

Умуман, мамлакатимизнинг “яшил” энергетикага жадаллик билан ўтиши та-биий ресурслардан унумли фойдаланиш ва аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Гулчеҳра ЖўРАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ёшларга оид давлат сиёсати эътироф этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси Ш. Жолдасовнинг БМТнинг Ёшлар сиёсатини мувофиқлаштириш департаменти раҳбари С. Балакришнан бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Мулоқот довомида меҳмонга давлатимиз раҳ-бари бошчилигида юртимизда ёшларни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бори-лаётган давлат сиёсати, шунингдек, Қонунчи-лик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Ёшлар комиссияси фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, С. Балакришнан Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини юритиш борасида амалга оши-рилган ишларни эътироф этиб, қисқа вақт ичида муҳим лойиҳалар бажарилгани, давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳамоханлиги хо-рижий мамлакатларда ўрнатилгани алоҳида қайд этди.

Жорий йилнинг сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳ-рида ўтказилган режалаштирилган Ёшлар саммитида ёшларга оид масалалар, хусусан, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини мустаҳкамлаш, Барқар-ор ривожланиш мақсадларига эришишда на-вқирон авлод вакилларининг ҳиссасини ошириш каби мавзулар муҳокама марказида бўлиши ай-тилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Ёшлар маса-лалари бўйича комиссияси ва Ёшлар парламен-тига оид тажрибасини бошқа давлатларга та-تبик этиш юзасидан фикр билдирилиб, мазкур саммитга мамлакатимиз вакиллари ҳам тақлиф қилинди.

Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашув якунида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Ёшлар парламенти билан бевосита ва халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қили-шга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йилда юртимизда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ҳажми 103,7 трлн. сўмни ташкил этди.

# Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!



Президентимизнинг "2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, бу йилги байрам "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланиши белгилаб берилди.

Қарорда қадриятларга алоҳида урғу берилётгани бежиз эмас. Наврўз — бу, биринчи навбатда, миллий қадриятлар, аъёнанилар ўз ифодасини топган қомусий айёмдир. Унда халқимизнинг само жисмлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, қисқача айтганда, она табиатни эъзозлаш, миллатпарварлик, бағрикенглик каби эзгу хислатлари ўз ифодасини топган.

мони оқ (юмшоқ), бир томони кўк (қаттиқ) экани, шунингдек, у ўзида кун ва тун ҳақидаги тасаввурларни акс эттириши билан боғланади. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, хусусан, Хоразмда бу ўйин бошқача номда, яъни "Ой теракми, кун терак?" деган номда ҳам учрайди.

Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган бундай халқ кўшиқлари ҳали етарлича тарқққ этилмаган. Зотан, бу мавзу нафақат бир-икки мақола, балки ўнлаб китобларга манба бўла олади.

ат "тўғри" гапирмайди. У ҳамиша "коса" тагидаги "ним коса"га ишора қилади. Образлар тайёр қолип ҳолатида кўрсатилмайди, балки у тасаввурда ҳосил бўлади, тузилади. Ана шундангина у ўқувчининг қалбига кириб боради, юрагини тўлқинлантиради.

Этибор қилсак, кўшиқларнинг асосий қисми, табиат фасллари, аввало, қиш ва баҳор ҳақида. Қиш (куз) ва баҳор (ёз), баҳор (ёз) ва қиш (куз) бу доим ала-машиб турувчи жараёнлар. Тун ва кун, баҳор ва қиш, эзгулик ва ёвузлик — қадим аждодларимизнинг табиат ва ҳаёт ҳақидаги боқий тушунчаларидир. Тундан сўнг тонг отишини, қишдан сўнг баҳор келишини — эзгулик тантанасини орзиқиб кутганлар бу воқеликни алқаб кўшиқлар қуйлашган. Чунки янги фасл бу янги умидларнинг куртак чиқариши, янги бир авлоднинг ҳаётга кириб келишидир.

Инсоният тафаккури ўз тарихига ага. Унинг қатламларида шу кунгача бўлган онгинг эврилишлар жараёни ўз ифодасини топган. Наврўз байрамига хос урф-одатлар, кўшиқларда ҳам биз бу жараённинг бадиий кўриниш олганини кўрамиз.

Албатта, ҳар бир маросимда бўлгани каби Наврўз маросимининг ҳам ўзига хос таомлари, пишириқлари мавжуд. Сумалак ана шундай маросим таоми ҳисобланади. Сумалак пишириқнинг ўзи қатъий аъёнанилар асосида маълум тартиб-қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилади. Сумалак муқаддас егулик сифатида қадрланади, алқанади. Бу таом ҳақида кўшиқлар ана шу алқов, олқишлар натижасида пайдо бўлган.

## «Коса» тагидаги «ним коса»

Гарчанд Наврўз байрами халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутсада, ушбу маросим билан боғлиқ халқ кўшиқлари ҳали етарлича тарқққ этилмаган. Зотан, бу мавзу нафақат бир-икки мақола, балки ўнлаб китобларга манба бўла олади.

"Наврўз кўшиқлари" деб номланган шартли атама бугунги кун фольклоршунослиги томонидан илмий адабиётларда қўланиб келинмоқда. Аслида эса Наврўз маросимларидаги ҳар бир кўшиқ ёки кўшиқ туркумларининг ўз номи бўлган. Лекин ушбу ҳолат барча кўшиқчи умумлаштирувчи "Наврўз кўшиқлари" атамасини инкор эт-

## Муносабат

### «Қозон тўлди»нинг маъноси

Наврўз байрами қадим-қадимдан юртимизнинг барча ҳудудида турлича нишонланган ва бу шоду хуррамлик бир неча кун, ҳафта, ҳатто бир ойга қадар давом этган. Тантаналар, асосан, махсус сайилгоҳларда, қир-адирларда ўтказилган. Байрам кунини эрта тонгдан карнай-сурнайлар чалинган, жарчилар одамларни байрамга таклиф этишган. Чавандозлар, полвонлар, қизиқчи-масхарабозлар, бахшилар, кўшиқчи-хофизлар, ўйинчи-раққослар байрам сайлига ташириб буюрганларга ўз томошаларини намойиш қилган.

Наврўз кунини одамлар сайилгоҳга — қир-адирларга етиб келишган. Эрта тонгдан ҳамма уйдан олиб келган пишириқ ва ширинликларини дастурхон ёхуд махсус қозонга солишган. Бу пишириқлар асосан сумалак, кўксомса, патишон, қатлама, чучвара, кескан ош, палов, қайнатилган ғўшт ва ҳоказода инборат бўлган. Бу қадимдаги «Қозон тўлди» маросимининг шу кунгача сақланиб қолган бир кўринишидир. Қадимда бундай махсус қозонлар муқаддас саналган ва улар, асосан, тоғлар этагида ёхуд бирор-бир дарахт остига қўйилган бўлиб, кўклам пайти маросимларда аждодларимиз томонидан қурбонлик қилиниб, пишириб келтирилган таом ана шу қозонларга қўйиб кетилган.

Тарихчи Херодот "Тарих" китобидида скифларнинг ана шундай муқаддас қозонни бўлгани ҳақида маълумот келтиради. Унга кўра, скиф ҳукмдорларидан бири ўз аскарларининг сонини билиш учун уларга камон ўқининг учини олиб келишни буюрган. Кейин эса тоғдай уюлиб кетган ана шу камон ўқининг учларидан улкан қозон ясалган. Тарихчи кейинчалик бу улкан қозонда илоҳларга қурбонликлар қилиниб, турли таомлар пиширилганини ёзади.

Амир Темурут даврида ясалган улкан қозон ҳам бу идишнинг маросимларда муҳим аҳамиятга эга бўлганидан далолат беради. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида Наврўз кунини сумалак, ҳалим, "дарвешона ош" каби махсус таомлар ҳам улкан қозонларда пиширилади. Қозон қанча катта ва унда пиширилаётган таом қанчалик кўп бўлса, йил яхши келиб, ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик бўлишидан далолат беради, деган тушунча мавжуд. Бу эса "қозон тўлди" маросими ҳақидаги қадим тасаввурларнинг ҳамон яшаб келаётганини кўрсатади.

### Эзгулик ва ёвузлик кураши

Наврўз кунини бахшилар ўзларининг сеvimли дostonларини қуйлаган. Полвонлар кураш тушган. Бундай курашлар, асосан, томоша кураши бўлиб, голиблар учун махсус тобоқ (соврин, мукофот)лар қўйилган. Назаримизда, қадим маросимлардаги махсус қозонлар би-



лан ана шу тобоқлар (қозонга ўхшаш, кўпчилик биргаликда таом ейдиган идиш) ўртасида ҳам қандайдир яқинлик мавжуд.

Кўпқари гарчанд қишки мавсумий ўйинлар сирасига кирса-да, бугунги кунда юртимизнинг турли вилоятларида Наврўз кунини кўпқари мусобақалари ҳам уюштирилади. Фолиблар эса бутун йил даво-

**“Этибор қилсак, кўшиқларнинг асосий қисми, табиат фасллари, аввало, қиш ва баҳор ҳақида. Қиш (куз) ва баҳор (ёз), баҳор (ёз) ва қиш (куз) бу доим ала-машиб турувчи жараёнлар. Тун ва кун, баҳор ва қиш, эзгулик ва ёвузлик — қадим аждодларимизнинг табиат ва ҳаёт ҳақидаги боқий тушунчаларидир. Тундан сўнг тонг отишини, қишдан сўнг баҳор келишини — эзгулик тантанасини орзиқиб кутганлар бу воқеликни алқаб кўшиқлар қуйлашган. Чунки янги фасл бу янги умидларнинг куртак чиқариши, янги бир авлоднинг ҳаётга кириб келишидир.”**

мида ўз ютуқлари билан фахрланиб юради.

Байрам кунини ўйналаган халқ ўйинлари ҳам кўпчилик иштирокида ўтказилган. Бундай ўйинлар орасида "Оқ теракми, кўк терак?", "Оқ суяк", "Чиллик" ўйинлари алоҳида эътиборга молик.

"Оқ теракми, кўк терак?" ўйинининг келиб чиқиш тарихи ўйинларнинг бошқа турларига қараганда қадимийроқ экани тарихий ва бадиий манбаларда қайд этилган. Ушбу ўйин мавсумий ўйинлар таркиби билан яққома-яққа жанг қилган, баҳор фаслида ўйналган.

Фольклоршунос олимлар бу ўйиннинг қадим изларини қабилачилик даврлари билан боғлаб, икки томонда турган болаларнинг ўз вакилларини сайлаб юборишлари қадимий жанг қоидаларига алоқадор эканини ёзади. Яъни, қадимда икки қабила полвонлари бири бири билан яққома-яққа жанг қилган, улардан қайси бири галаба қозонса, у мансуб қабила томоненгган ҳисобланган, енгилган томон эса товон тўлаган. Ушбу ҳолат "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинида ҳам билинар-билинимас из қолдирган.

Бизнингча, бу ўйин кун ва тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадим тасаввурларни ҳам ўзида мўжассам этади. Қиш енгилса, баҳор голиб келади, тун чекинса, тун узади. Зеро, ўйин фольклори матнунда асосий урғу шу нарсага қаратилган.

"Оқ теракми, кўк терак?" деб аталиши терак баргининг бир то-

майд.

Халқ иштирокидаги ҳамма тантана, байрамлар каби Наврўз байрами ҳам аъёнанивий жарчи кўшиқларидан бошланади. Жарчи кўшигида айтилгани каби "тортишув, беллашув"лар кенг маънога эга. Бу ўринда Наврўз маросимидаги "Олтин қобик", "Арқон тортиш", кураш ва бошқа беллашувларни ҳам ўз ичига олувчи энг асосий кураш қиш ва ёз беллашуви. Ушбу кураш, қарам-қаршилиқлар биринчи галда "Бойчечак" туркум кўшиқларида акс этган. Бойчечак кўшиги бугунги кунга келиб болалар фольклорининг намунаси сифатида қаралса-да, ундаги маросим тафсилоти аниқ сезилиб турибди.

Халқ лирикасида ҳиссий кечинма тўғридан-тўғри эмас, балки ишоравий тарзда акс этган бўлади. Бундай ҳолларда кўпича инсон ҳолати ва табиат манзараси ўзаро уйғун тарзда берилади.

Маълумки, биз воқеликни онгсиз равишда қабул қиламиш ва бу бирор мантиқий кўринишда эмас, балки тимсолий кўринишда бўлади. Тимсол деганда эса ўз маъносидан ташқари кўшимча маъно ташийдиган, мазмунни яширин бўлган сўз — образни тушунамиз. Тимсолга хос бўлган хусусият унинг кўп маъноликка эга эканидир.

Санъат, айниқса, шеърини санъ-



Сумалак пишириш шунчаки йиғилиб бир таом тайёрлаш эмас, ёш қавмига бир кечаю кундуз давомида катта гулхан ёқиб, ўйин-кулгу қилиш, турли кўшиқларни айтиш, халқ ўйинларини ўйнаш демак.

Кейинги йилларда Ўзбекистон улкан ислохотлар палласига кирди. Бу Шарқона янги йилни мамлакатимиз ҳаётининг барча ҳаётига қамраб олган улкан ўзгаришлар, юксалишлар билан кутиб оляпмиз. Энг муҳими, барча ислохот халқимизнинг минг йиллик аъёнанилар, қадриятларига мос ва уйғун равишда олиб боришмоқда. Бошқача айтганда, бугунги "қўклам"да яхши ният ва эзгу тилаклар билан ақиллаётган урғу келажақда, албатта, ўзининг мевасини беради. Қарорда таъкидланганидек: **"Ушбу улғу фаслнинг руҳи ва фалсафасида мўжассам бўлган гуманизм, одамзодни бутун борлиқнинг гултожи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиатни асраб-авайлаш тамойиллари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда"**. Зеро, Наврўз асрлар бўйи халқимиз алқаб, улғулаб келган ва айна пайтда халқимизни улғулаган қадимий байрамдир.

**Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори,  
филология фанлари доктори, профессор.

## Кубок соҳиби — қорақалпоғистонлик қизлар!

Баскетбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Андижон вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги мусобақасида Қорақалпоғистон жамоаси голибликни қўлга киритди.



Ушбу жамоа бош мураббийи Ж. Боймуратованинг маълум қилишича, қорақалпоғистонлик қизлар Навоий, Наманган, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятининг "ОТМК" жамоаларидан устун келди ва Ўзбекистон кубогига эга чикди.

Дарҳақиқат, жорий йил жамоа учун омадли бошланди ва илк марта голиб бўлишга муяссар бўлди. Мусобақа якунида Қорақалпоғистон жамоаси таркибидан 6 нафар ўйинчи мамлакатимиз терма жамоаси йиғинига таклиф қилинди.

## Дунёнинг энг кучли дзюдочилари беллашади

Шу йилнинг 28 февраль — 2 март кунлари пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуасида дунёнинг энг кучли дзюдочилари "Катта дубулга" туркумидаги нуфузли турнирда голиблик учун курашади.

Халқаро дзюдо федерацияси томонидан эълон қилинган рўйхатга кўра, дунёнинг тўртта қитъаси 23 давлатидан жами 246 нафар дзюдочининг иштироки расман тасдиқланган.

Турнирда Ватанимиз шарафини тажрибали дзюдочиларимиздан Алишер Юсупов, Шахрам Аҳадов, Обидхон Нўмонов, Артём Штурбабин каби кўплаб умидли ва номдор спортчиларимиз ҳимоя қилишади.

## Велоспорт: 6 нафар вакилимиз шоҳсупада

Малайзияда велоспортнинг трек йўналиши бўйича катталар, ёшлар ва параспортчилар ўртасида Осиё чемпионати давом этмоқда.



Чемпионатнинг навбатдаги кунда 3 ва 4 км. масофага ўтказилган вақт пойгаси беллашувларида Ўзбекистон терма жамоасининг 6 нафар вакили шоҳсупага кўтарилиди.

Осиё чемпионатининг 4 км. вақт пойгасида Боймурод Явқочев (С5), Абдор Ибрагимов (С4), Камола Нуруллаева (С4) олтин, Азимбек Абдуллаев (С5) эса кумуш медални қўлга киритган бўлса, 3 км. вақт пойгасида Фолиббек Мирзаёров (С2) олтин, Азизўжа Олимхўжаев (С2) кумуш медал билан тақдирланди.

Маълумот учун, кунини кеча эш қизлар ўртасида Самира Исмоилова ва эркеклар ўртасида Дмитрий Бочаров каби велопойгачиларимиз Осиё чемпионига айланганди.

## Юртимиз каратечилари голиблар сафида

Таиландда карате WKF бўйича ўтказилган жаҳон кубоги таснифидаги "Tayland Karate Cup International Championships — 2025" мусобақасида юртимиз каратечилари таҳсинга лойиқ натижаларга эришди.

Йигирмага яқин давлатларнинг энг сара спортчилари қатнашган ушбу халқаро мусобақа сарҳисобига кўра, каратечиларимиз 4 тадан олтин ва кумуш медални қўлга киритишди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Рустамжон Собиров, Жалолиддин Арипов, Камронбек Комилов, Камронбек Рустамжонов олтин, Саидкамол Адиллов, Зубайр Азодов, Камронбек Абдуқоимов, Зиёвуддин Имомов кумуш медалларга эга чикди.

«Халқ сўзи».

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ва БААнинг Гулф тиббиёт университети томонидан магистратура йўналиши бўйича қўшма таълим дастури йўлга қўйилди.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6